2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 14-mart, payshanba

№ 10 (9278)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

## УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 12 март куни жорий йилда уй-жойлар ҳамда “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши бўйича йиғилиш ўтказди.**

Халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида барча ҳудудларда янги уй-жойлар барпо этилмоқда. Шу билан бирга, одамларнинг харид имкониятини кенгайтириш учун тўрт йил олдин ипотека тизимининг бозор тамойилларига асосланган янги тартиби жорий қилинди. Унга мувофиқ, ўтган даврда барча манбалардан 100 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Буларнинг ҳисобига ҳудудларда 6 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оила янги бошпанали бўлди. Даромади юқори бўлмаган 45 мингта оилага бошланғич бадал ва фоиз тўлови учун 2,4 триллион сўмлик субсидиялар берилди.

Жумладан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича 85 мингта ёки 2022 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп хонадон қурилди. Аҳолига 17 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

Аҳоли сонининг ўсишини инобатга олиб, бундай ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилги дастур доирасида 100 мингта уй-жой қуриш режалаштирилган.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Аввало янги уйларнинг сотув нархи ва сифатига эътибор қаратилиб, номутаносибликлар кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга қурилиш таннархини пасайтириш ва уйлар сифатини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Шу мақсадда, таклифни кўпайтириш учун кўп қаватли уй-жойлар қурилишига қўшимча ерлар аукционга чиқарилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада аҳоли ва қурувчилар учун қатор янги имкониятлар берилишини маълум қилди.

Бу йил ипотекани молиялаштириш учун барча манбалардан 22,5 триллион сўм йўналтирилади. Жумладан, ипотека кредитлари учун қарийб 10 триллион сўм, даромади юқори бўлмаган 20 минг оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловини қоплаш учун 2,3 триллион сўм берилади.

Пудрат ташкилотларининг айланма маблағини кўпайтириш учун 500 миллиард сўм ресурс йўналтирилади. Бунда йиллик 16 фоиз ставкада 12 ойлик имтиёзли давр билан 18 ойга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Бу мақсадларга банклар ҳам ўз маблағларини киритади.

Қурилиш ишлари ҳамда аҳолининг уй-жой сотиб олиши учун ҳам қўшимча енгилликлар яратилади. Хусусан, энди 5 қаватли уйларни барпо этишга камида “қониқарли” ва 9 қаватли уйларга “ўрта қониқарли” рейтингига эга бўлган пудратчилар жалб қилинади. Бу – қўшимча 2 мингга яқин пудратчига йўл очиб беради.

Турар жойлар қурилишида “яшил” стандарт жорий қилинади. У асосида бунёд этиладиган уй учун пудратчиларга кредитлар бир фоиз паст, яъни йиллик 15 фоиз ставкада берилади.

Пудратчиларга кредитлар бўйича кафиллик бериш ва фоиз харажатини қисман қоплашга Тадбиркорлик компанияси томонидан 200 миллиард сўм йўналтирилади. Уй қурилиши учун махсус техникалар импорти бўйича берилган божхона имтиёзи яна бир йилга узайтирилади.

Бундан буён ипотека кредитлари бўйича гаровга олинадиган уйни суғурталаш талаби бекор қилинади.

Камбағалликдан чиқариш дастурига кирган ва турар жойи ночор аҳволдаги оилаларга, “маҳалла еттилиги” тавсияси асосида, ўз ҳовлисида уй қуриш ва таъмирлашга 120 миллион сўмгача ипотека кредити ажратиш йўлга қўйилади. Бунда кредитнинг 15 фоизи ва дастлабки беш йилда фоиз ставкасининг 6 фоизгача банди бюджетдан қоплаб берилади.

Аҳолига бу борада кўмаклашишда Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси муҳим ўрин тутади. Ўтган уч йилда унинг кредит портфели 3 триллион сўмдан ошди. Ушбу компания устав капиталини 100 миллион долларга етказиш, хорижий маблағлар жалб этишни кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Бугунги кунда ҳудудларда 38 та массив қурилиши бошланган. Жорий йилда яна 17 та массив бунёд этиш кўзда тутилган.

Лекин айрим жойларда кечикиш ҳолатлари бор. Масалан, Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида қурилиш ишлари ортда қолмоқда.

Шу боис ҳар бир массив кесимида манзилли рўйхатни тасдиқлаб, бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Давлатимиз раҳбари бунда асосий талаблар – сифат, муддат ва таннарх эканини таъкидлади.

Айрим ноинсоф қурувчилар харидорлар ишончини суиистеъмол қилаётгани қайд этилар экан, улушдорлик асосида уй-жой барпо этишда аҳолини ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ер аукционида қатнашадиган қурилиш ва пудрат ташкилотларининг молиявий салоҳиятига минимал талаблар жорий қилиниши белгиланди.

Баъзи ҳудудлардаги эски уйлар реновация асосида янгиланиб, одамларга замонавий шароитлар яратилиши қайд этилди.

Бош вазир ўринбосари ва вилоят ҳокимлари қурилиш ишларини ташкил қилиш режалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**



## ТОШКЕНТ СУВ ОМБОРИ ТЎҒОНИНИНГ БЕТОН ҚИРҒОҚЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 2023 йил 30 августда “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни қабул қилиниб, мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиниши белгилаб қўйилди.

Мазкур қонун 1999 йил қабул қилинган бўлиб, унда буюртмачи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотларининг мажбуриятлари, сув хўжалиги объектларини назорат қилиш инспекциясининг ваколатлари белгиланмаганди. Шунингдек қонунда гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида содир бўлган авария натижасида етказилган зарарни қоплаш, гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши бўйича жавобгарлик масалалари келтирилмаганди. Янги таҳрирдаги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги иншоотлари хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг ваколат ва мажбуриятлари белгиланди. Жорий йилдан бошлаб, гидротехника иншоотларида содир бўлган авария натижасида етказилган зарар учун мажбурий суғурталаш, гидротехника иншоотларида содир бўлган авария натижасида етказилган зарарни қоплаш белгиланди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра сув хўжалиги объектлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари кузатилганда муайян миқдорда жарима солиш белгиланди. Хусусан, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш - базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача ҳамда сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача жарима қўлланилишига сабаб бўлади.

Тошкент вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасида ҳам амалдаги қонун талаблари доирасида гидротехник иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йил бошидан бошқарма тасарруфидаги Тошкент сув омборида йиғилган сувнинг гидротехник иншоотларга чиқарилишини назорат қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида замонавий автоматик компютерлаштирилган бошқарув тизими ишга туширилди. Бундан ташқари фавқулотда вазиятлар рўй берганда ишчи-ходимларнинг ва гидротехник иншоотнинг яқин атрофда истиқомат қилувчи аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида локал хабар бериш тизими (қутқарув сирена сигнали) ўрнатилди. Шунингдек Тошкент сув омбори тўғонининг нишаблик бетон қирғоқлари махсус материаллар билан мустаҳкамланмоқда. Бу эса ўз навбатида тўғоннинг мустаҳкамлиги ва узоқ йиллар давомида самарали ҳамда хавфсиз фойдаланилишига хизмат қилади.

**Дадажон ДЎСМАТОВ,**
*Тошкент вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.*

## ЎЗБЕКИСТОН СЕНАТИ РАИСИ БМТ МИНБАРИДА ҚАТОР ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

**БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида БМТ Аёллар ҳолати бўйича комиссиясининг 68-сессияси бўлиб ўтмоқда.**

Сессия ишида Олий Мажлис Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

Нуфузли анжуманда дунё давлатларининг соҳага масъул парламент ва ҳукумат идоралари, вазирлик ва ташкилотлари, нодавлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этмоқда.

Сессияда камбағалликни бартараф этиш, институтлар салоҳияти ва молиялаштиришни кучайтириш орқали гендер тенглигига эришиш ва барча хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш, бу борада Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси тамойилларининг ҳаётга татбиқ этилиши масалалари муҳокама қилинмоқда.

БМТ Аёллар ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйлаб аёлларнинг 10,3 фоизи ўта қашшоқликда яшайди. 2030 йилга бориб Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун камбағалликка барҳам беришдаги муваффақият 26 баравар тезроқ бўлиши керак.

Шу боис, анжуманда аёлларнинг қашшоқлигини тугатиш ва гендер тенглигини оширишга ёрдам берадиган ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва инвестицияларни жалб қилиш масалаларига эътибор қаратмоқда.

Мазкур тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнида БМТ Аёллар ташкилоти кейинги 5 йилда Ўзбекистоннинг гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги кўплаб ижобий натижаларини эътиборга олиб, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси билан келишган ҳолда Марказий Осиё ва Озарбайжон давлатларининг сессия бўйича маслаҳатлашувларини Тошкент шаҳрида ўтказган эди. Тадбир якунлари бўйича аёллар ва қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ягона позиция ишлаб чиқилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

### ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ:

## БАНККА КЕЛМАСДАН БАНК ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎЛАМИ ОРТМОҚДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 12 МАРТ КУНИ АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИДА ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА БАНК МУТАСАДДИЛАРИ ТОМОНИДАН УШБУ ЙЎНАЛИШДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ХУСУСИДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ.

(Давоми 2-саҳифада)



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

*Халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини ҳимоялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган.*





Бу эса юрт тараққиётига, халқ фаровонлигига, энг асосийси, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларини тубдан такомиллаштиришга замин яратди. Яъни, мулоқот ва манфаат тушунчаси халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойилга асосланди. Фаолиятимизни шу мезон асосида олиб бориш жараёнида бизга, давлатга, жамиятга билдирилган ишончнинг нақадар юксак, масъулиятли эканини ҳар нафасда ҳис киламиз. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан жорий этилган “Халқ қабулхоналари” халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи, аҳоли муаммоларини ижобий ҳал этиш орқали халқни рози қилувчи даргоҳга айланди.

Ўтган йил давомида туманимиз аҳолисидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхонасига 5273 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 2559 таси ижобий ҳал этилди. Жорий йилда ҳам фаолиятимиз изчил давом этаяпти. Масалан, “Кумидон” МФЙда яшовчи фуқароларнинг 2023 йил баҳор ойларида аукционда қатнашиб, ер майдони ютиб олишганлиги, бироқ ер ажратиб берилмаганлиги масаласидаги мурожаатлари ўрганиб чиқилиб, Халқ қабулхонаси аралашуви билан муаммо ижобий ҳал этилди. Ўзбекистон МФЙда яшовчи Убайдулла Қурбоновнинг укаси Қутбулло Қурбонов 2-гуруҳ ногирони эканлиги, унга эшитиш мосламаси кераклиги ҳақидаги мурожаати жойида ўрганилиб, масъуллар ёрдамида ҳал этилди. “Поросмон” МФЙда яшовчи Ғайбулло Маматхоновнинг касса аппарати масаласидаги мурожаати ўрганиб чиқилиб, унинг ҳам талаби қондирилди. “Чусткўприк” МФЙда яшовчи фуқаронинг арз қилишича, 2023 йил 25 ноябрь куни Тўрақўрғон тумани Тошкент МФЙда жойлашган (Atlas Aviatour) кассасидан чипта сотиб олган. У Тошкентдан Москвага 03.12.2023 йил куни соат 05-50 да учиши керак эди. Маълум бир сабабга кўра сафари қолдирилганлиги туфайли бир кун аввал чиптани Atlas Aviatour кассасига қайтариб берса-да, тегишли суммани ололмаётганлиги масаласида қилган мурожаати ҳам ҳал қилиб берилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Туманимиз аҳолиси томонидан Халқ қабулхонасига қилинган ҳар бир мурожаат назоратга олиниб, ижроси таъминланмокда. Зеро, фуқаро ва давлатнинг манфаатлари, ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги бош қомусимизда ҳам белгилаб қўйилган. Халқ қабулхоналари айнан мана шу мақсадлар муштараклигида асосий кўприк вазифасини бажармокда.

**Алишер АБДУЛҲАМИДОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тўрақўрғон туманидаги Халқ қабулхонаси мудири.*

*Жорий йилда "SQB Business" дастурида мижозлар учун масофадан ҳисоб рақамлар очиш, иш ҳақи ва корпоратив карталарни онлайн расмийлаштириш, юридик шахсларга онлайн кредитлар ажратиш имкониятлари яратилади*

# ЎЗБЕКИСТОН СЕНАТИ РАИСИ БМТ МИНБАРИДА ҚАТОР ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

(Боши 1-саҳифада)

68-сессияда Марказий Осиё минтақаси ва Озарбайжон номидан Олий Мажлис Сенати Раиси сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаол ривожлантираётгани, қўшма сармоявий лойиҳалар амалга оширилаётгани, гендер тенгликни таъминлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратилганини таъкидлаб, ҳамкорлик бўйича умумий ёндашувларни маълум қилди ва қатор ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, камбағалликни қисқартириш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш учун БМТнинг "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори" доирасида глобал даражада аёллар ва қизларни ҳимоя қилиш бўйича самарали чоралар кўриш, ўқув дастурлари ва ўқитиш услубларига, шунингдек, STEM-таълимига, айниқса, қишлоқ жойларда гендер ёндашувини жорий этиш таклиф этилди.

Шунингдек, ҳудудларда БМТ Тараққиёт дастури лойиҳалари доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, қишлоқ аёллари учун рақамли саводхонлик ва IT кўникмаларини ошириш дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи рақамли тафовутни бартараф этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани тартибга солиш лозимлиги айтиб ўтилди.

***

Сессия доирасида Сенат Раиси Танзила Норбоева Швейцария Конфедерацияси Президенти Виола Амерд билан учрашув ўтказди.



Ўзбекистон ва Швейцария ҳамкорлигини изчил кенгайтириш, шу жумладан, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий ва технологик соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Швейцария билан автомобилсозлик, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, чорвачилик, инфратузилма соҳаларида 19 қўшма лойиҳа амалга оширилаётгани қайд этилди. Мазкур кўрсаткични бир неча баробар ошириш учун иккала давлатда ҳам катта салоҳият ва кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Парламентлараро алоқалар бўйича ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Хусусан, ихтисослаштирилган қўмиталар даражасида алоқаларни фаоллаштириш, икки давлат парламентларида дўстлик гуруҳларини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

Қатор соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан амалий таклифлар илгари сурилди. Хусусан, гендер тенглик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, мазкур йўналишда ўзаро тажриба алмашиш муҳимлиги қайд этилди.

Орол денгизи минтақасидаги вазиятни яхшилаш юзасидан ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни амалга оширишда молиявий ва техник ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам томонларнинг диққат марказида бўлди.

***

Сенат Раиси Т.Норбоева Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Хотин-қизлар ва болалар ишлари бўйича миллий қўмитаси раиси ўринбосари, Бутунхитой аёллар федерацияси раиси ўринбосари Хуан Сяовей билан ҳам учрашув ўтказди.

Унда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, камбағалликни қисқартириш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Раис Си Цзиньпин ўртасидаги очиқ ва ишончли муносабатлар кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун мустаҳкам замин яратгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар гендер тенглик соҳасида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашди. Ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолаш таклифи илгари сурилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимоя ва суғурта, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, ушбу йўналишдаги қонунчилик фаолиятини ўрганиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ:
# БАНККА КЕЛМАСДАН БАНК ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚЎЛАМИ ОРТМОҚДА





(Боши 1-саҳифада)

– Банк тизимида рақамли трансформация –бу молия муассасасида замонавий молиявий технологиялар, дастурлар ҳамда уларни қўллашда билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрлар кучи билан амалга оширилувчи ҳаракатлар мужмуидир, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари А. Эргашев. – Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармони асосида муассаса фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнидаги ишларнинг салмоқли қисмини рақамли трансформация эгаллади. Хусусан, 2022-2023 йиллар давомида банк томонидан ахборот технологиялари (IT) инфратузилмаси мустаҳкамланди, интернет ва мобил банкинг хизматлари такомиллаштирилди, янги турдаги онлайн хизмат ва маҳсулотлар жорий қилинди.

Пировардида, жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра, масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 34 мингдан ортди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ва хизматлар сотуви 57 фоизга ошди. Транзакциялар ҳажми 2022 йилда 6,5 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот даврига келиб унинг миқдори 25 трлн. сўмга етди.

– Ўтган йилда "SQB Business" интернет банк хизмати орқали бажарилган амалиётлар ҳажми сезиларли даражада ошди, бунга сабаб унинг мобил версияси ҳам ишга туширилганидадир, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Рақамли бизнес департаменти директори Темур Норов. – Дастур фойдаланиш учун қулай ва содда интерфейсга эга, хавфсизлик жиҳатидан ҳам барча талабларга жавоб беради. Бугунги кунда платформа орқали мижозлар 24/7 режимида барча турдаги банк хизматларидан фойдаланиб, кундалик тўловларни амалга ошириб келмоқда. Унда депозит маблағларини тўлиқ жойлаштириш ва бошқариш имкони мавжуд. "Бухгалтерия 1С" дастури билан интеграция қилингани эса, мижозларга қўшимча қулайликлар туғдирмоқда.

Матбуот анжуманида "Joyda" мобил иловасининг янгиланган талқини, хусусан, уни янада содда ва жозибадор кўринишга келтириш мақсадида амалга оширилган ишлар, онлайн банк хизматлари ва маҳсулотлар бўйича тақдимот намойиш этилди.

Таъкидланишича, сўнгги йилда иловадаги хизматлар қаторига узоқ муддатли кредитлар, онлайн индентификация, "Visaalias" (барча давлатларда телефон рақами орқали Visa карталараро пул ўтказиш), кредит карта, валюта курслари, автотўлов хизматлари, электр энергия учун кредит каби хизматлар киритилган.

Тадбирда кредитлаш соҳасида жорий қилинган CRM (Customer Relationship Management - Мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш) тизими ҳақида алоҳида тўхталинди.

– Тизимда мижозлар базаси ва "кредит конвейер" дастурий таъминоти жой олган, – дейди Т. Норов. – Улар асосида кредит буюртмаларига ишлов бериш, кредит ажратиш ва уни қайтариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган."Кредит конвейер" дастури гаровлар реестри, кредит бюроси, юридик шахслар реестри каби ташқи маълумот базалари билан интеграция қилинган бўлиб, бу мижоз сўровини ўрганиш жараёнини каррасига тезлаштирмоқда.

Айни пайтда банк томонидан "кредит конвейер" дастурий таъминоти жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишда қўлланилмоқда. Бунинг ҳисобига аризаларни кўриб чиқиш вақти 3 бараварга камайган, кредит маҳсулотларини сотиш ҳажми эса, 2,6 бараварга ўсган. Жорий йилда ушбу тизимни юридик шахс мақомидаги мижозлар учун ҳам ишга тушириш режалаштирилган.

– Рақамли эволюция давом этар экан, фаолиятимизни ушбу жараёнга мувофиқ ривожлантириб бориш устувор вазифа бўлиб қолаверади, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Лойиҳа бошқаруви офиси раҳбари Абдулазиз Мажидов. – Банкнинг 2023-2027 йилларга мўлжалланган IT стратегиясига кўра аҳоли ва тадбиркорларга кўплаб янгиликлар ҳозирлаганмиз. Хусусан, жорий йилда "SQB Business" дастурида мижозлар учун масофадан ҳисоб рақамлар очиш, иш ҳақи ва корпоратив карталарни онлайн расмийлаштириш, юридик шахсларга онлайн кредитлар ажратиш имкониятлари яратилади. Барча хизматлар пакети жойлаштирилади, хат-ҳужжатлар алмашинуви, кредит ва нокредит маҳсулотлар сотуви йўлга қўйилади."Joyda" мобил иловасидаги хизматлар мажмуи эса, халқаро банк карталари орқали контактсиз тўловларни амалга ошириш, халқаро пул ўтказмалари, QR тўловлар билан бойитилади. Хизматлар учун кешбеклар таклиф этилади. Бундан ташқари, ҳар икки дастурда барча турдаги кредитлар сотуви жорий қилинади.

Анжуманда, шунингдек, кибертаҳдидлар шароитида мижозларга хавфсиз ва кафолатланган хизмат кўрсатиш мақсадида муҳим қадамлар ташлангани маълум қилинди. Серверлар сиғими ва маълумотларни ҳимоя қилиш даражасини оширишга қаратилган банк IT тизимини янгилаш ва оптималлаштириш комплекс ишлари олиб борилаётгани қайд этилди.

**Банк ахборот хизмати**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

*Томорқачилик*

*Томорқа ердан фойдаланишни, тупроқ билан тиллаша олишни билганга доимий иш ўрни, чекланмаган манфаат, лўнда қилиб айтганда, оёқ остидаги туганмас хазина ҳисобланади. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган кўплаб хонадон эгалари бугун мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бировга қарам бўлмай, яхши натижаларга эришмоқдалар.*

# ЧИНОЗ ТАЖРИБАСИ КЕНГ ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Чиноз туманида Республика фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан ташкил этилган амалий кўргазмали семинарда мана шу ҳақда сўз борди. Унда иштирок этган вилоят маҳаллаларида фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари, соҳага доир тизим мутахассислари ва кўплаб томорқа ер эгалари бу борада туманда тўпланган бой тажрибалар, хусусан иссиқхоначилик имкониятлари билан яқиндан танишдилар. Дастлаб иштирокчиларга давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 март куни эълон қилинган "Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Туманнинг Бирлик маҳалласидаги Нуриддинбой Холиқуловларнинг томорқасидаги мўъжаз иссиққхонага ташриф буюрган семинар қатнашчилари ёпиқ дала остидаги моддий имкониятларнинг нечоғли юқори эканлигига гувоҳ бўлдилар. Оилавий корхона ташкил этиб, мавжуд 35 сотих томорқадан йилига уч маротаба ҳосил олаётган хонадон эгаси айни вақтда 35 нафар маҳалладошларининг ҳам бандлигини таъминлаган. Йиллик даромади 1 миллиард 200 минг сўмни ташкил этмоқда.

– Исиқхонамизда асосан турли резавор кўчатлар ва ноёб турдаги гуллар етиштириш билан шуғулланамиз, – дейди оиланинг катта ўғли Баҳовуддин Холиқназаров. – Дастлаб бундан ўттиз йил аввал бир сотихда иш бошлагандик. Иссиқхонанинг сердаромад тармоқ эканлигини билгач, уни ҳар йили кенгайтириб бормоқдамиз.

Маълум бўлишича, ёпиқ далада деҳқончилик қилиш ушбу маҳалланинг драйвери ҳисобланади. Мавжуд 615 та хонадоннинг 500 тасида иссиқхона мавжуд. Аҳолининг 91 фоизи айнан мазкур соҳа билан банд. Аксарият томорқа эгалари пойтахт аҳолисини шу кунларда помидор, бодринг ва сархил кўкатлар билан таъминламоқдалар. Туманнинг Обиҳаёт маҳалласидаги кўплаб хонадонларда кооперация усулида балиқ етиштириш борасидаги ишлар ҳам тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Семинар сўнгида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича Чиноз тумани тажрибасини Республика бўйича кенг оммалаштиришга келишиб олинди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*E'lon*


## XUSUSIY INVESTORLAR DIQQATIGA!

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 7-iyuldagi PQ-216-son qarori bilan tasdiqlangan Agrar sohada ilm-fan, ta'lim va ishlab chiqarishni integratsiyalash hamda uning samaradorligini oshirish bo'yicha «Yo'l xaritasi»ning 40-bandiga muvofiq Toshkent davlat agrar universitetida o'zining mehnat faoliyatini olib borayotgan ilmiy, ilmiy-pedagog xodimlari, yosh tadqiqotchilari va ishchi – xizmatchilarining uy-joy sharoitlarini yaxshilash maqsadida 0,5 ga yer maydonidagi avariya holatidagi bokslar o'rnida kamida 150 xonadondan iborat bo'lgan, arzon narxlardagi turar-joy majmuasini xususiy investorlarning yoki universitet xodimlarining mablag'larini paychilik asosida jalb etgan holda 2024-yilning oxiriga qadar qurish belgilangan.

Toshkent davlat agrar universiteti tomonidan ishlab chiqilgan texnik hujjat, texnik topshiriqqa asoson, universitetning 0,5 ga yer maydonidagi avariya holatidagi bokslar o'rnida kamida 150 xonadondan iborat bo'lgan, arzon narxlardagi turar-joy majmuasini bunyod etishga xususiy investorlar jalb qililinadi. Xususiy investorlarning o'zi haqidagi takliflari 15 ish kuni ichida, universitet devonxonasida texnik topshiriqqa asosan qabul qilinadi.

**Manzil: Toshkent viloyati, Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy. Toshkent davlat agrar universiteti.**


# ЙЎЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТЎҚҚИЗ БАРОБАРГА ОШДИ

*Вилоятимизда жами 22 минг километрдан ортиқ автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қарийб 3 ярим минг километрни, ички хўжалик йўллари, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари 18 ярим минг километрдан зиёдни ташкил этади. Шунингдек 1293 дона кўприк бўлиб, уларнинг 627 донаси умумфойдаланув автомобиль йўлларида, 580 донаси ички хўжалик йўлларида бунёд этилган. Сув хўжалиги бошқармасига қарашли 86 та кўприк мавжуд.*

Ўтган йили тегишли дастурлар доирасида 928,7 млрд. сўмлик йўл ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида 2 631 км. йўллар таъмирланди, 25 та кўрикда қайта қуриш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори бўйича 53,3 млрд. сўмлик ишлар бажарилди. Жумладан, 4 та кўприк қайта қурилди, 1 та ер ости ўтиш йўли янгидан қурилди ва Шахрисабз туманидаги туризм объектларига олиб борувчи 44 км. узунликдаги йўлларга асфальтбетон қоришмаси ётқизилди.

Таққослайдиган бўлсак, йўл таъмирлаш ишлари кескин ошганлиги кўринади. Масалан, вилоятимизда 2016 йилда йўл хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва йўлларни такомиллаштириш бўйича 192,6 млрд. сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 255 км. йўллар таъмирланган бўлса, биргина 2023 йилнинг ўзида 928,7 млрд. сўмлик маблағлар ҳисобига 2 631 км. йўллар таъмирланди, 25 та кўрик қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу албатта, 2016 йилга нисбатан йўл таъмирлаш ишларининг 9 баробар ошганлигини кўрсатади.

Ўтган йили асфальтобетон заводларида жами 514,3 минг тонна асфалтобетон, шунингдек, бош бошқарма таркибидаги ёрдамчи корхоналаримизда 35,1 минг тонна қум ва 45,3 минг тонна чақилган тош маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, мавжуд қум-шағал карьерларимиздан 83,2 минг тонна қум-шағал аралашмаси қазиб олиниб, асос қуриш ишларига ишлатилди.

Ўтган йил давомида 478 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, унда 213 та инсон ҳалок бўлди ва 439 та инсон тан жароҳати олди. Содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили асосида (махсус органлар иштирокида) энг хавфли авария ўчоқлари аниқланди, бугунги кунда уларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, шу асосда ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилда қарийб 2 минг километр узунликдаги йўлларни таъмирлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шунингдек, 32 дона кўприк реконструкция қилинади.

Президентимизнинг 2023 йил 25 декабрдаги "2024-2026 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарори ижроси бўйича 75,9 млрд. сўмлик реконструкция ишлари бажарилади ва 9 км. узунликдаги йўл фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари,



халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан Деҳқонобод тумани ҳудудидан ўтувчи М39 "Алмата – Бишкек – Тошкент – Термиз" автомобиль йўлининг (1255-1315 км.) 60 км. қисмини реконструкция қилиш ва Қарши – Самарқанд йўналишидаги 4Р87 "А378 а/йўли – Қарши шаҳри" автомобиль йўлида (0-49 км) 49 км. пуллик йўл қуриш ишлари бошланади. Шунингдек, 2024-2025 йиллар давомида Қарши шаҳрини Қарши, Касби ва Миришкор туманлари билан боғловчи 4Р92 "Қарши-Талликўрғон-Касби-Жейнов-Помуқ" автомобиль йўлининг 3-41 км.лари, Қамаши тумани марказидаги 4К340 "Қамаши-Чимқўрғон" автомобиль йўлининг 0-15 км. қисмлари таъмирланади. Қарши шаҳридаги 6 та марказий кўчада ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Хитойлик инвесторлар жалб қилинган ҳолда Чироқчи тумани ҳудудидаги 4К342 "А378 а/йўли – Уйшун – Чироқчи" (30 км.) автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари бошланади. Қарши шаҳри Мустақиллик кўчасидаги йўл ўтказгичда ҳам реконструкция ишлари олиб борилади.

Жорий йилда вилоятимизда фаолият юритаётган асфалтобетон қоришмаси ишлаб чиқарувчи заводлар томонидан жами 403 минг тонна асфалтобетон, шунингдек, бош бошқарма таркибидаги корхоналар томонидан 37,6 минг тонна қум ва 48,5 минг тонна чақилган тош маҳсулоти ҳамда қум-шағал карьерларида 89 минг тонна қум-шағал аралашмаси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

**Файзулла ХУДОЙҚУЛОВ,**
*Қашқадарё вилояти автомобил йўллар бош бошқармаси бош муҳандиси.*

Бу йилги куз-қиш фаслларининг илиқ келиши барча турдаги мавжуд зарарли организмларнинг қишлаб, яшаб қолишига қулай шароит яратди



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

## БОЛАЛАРНИ ТАБИАТДАН ЙИРОҚ ТУТМАЙЛИК!

*Куни кеча ўқувчиларим билан табиат қўйнига, Амударё қирғоқлари бўйлаб ястаниб ётган кенгликларга сайр қилдик. Болалар роса маза қилишди.*



Эски ўйинлар, янги ўйинлар, ўзимиз ўйлаб топган яп-янги ўйинларни ўйнаб, шеъру қўшиқлар айтдик. Айниқса, ўғил болалар роса “битини тўкишди”. Устоз, у ёққа борсак бўладими, бу ёққа борсак бўладими, дейвериб чарчашмади. Бир вақт қарасам, тўртта ўқувчим чопиб келишяпти.

– Устоз, устоз, бу ерларда илоннинг тухуми бўлиши мумкинми?

– Албатта, бўлиши мумкин. Бу ерда ҳар хил жониворлар бўлади.

– Мана, қаранг, роса кўп экан. Тухумлари ёнига пўстини ҳам ташлаб кетибди. Катта илон экан, дея телефон экранидан ўзлари олган суратни кўрсатишди. Сурат қуёш нури остида унча яхши кўринмади. Бўлса бордир, дея қайта кўришга уринмадим. Бошқалар ҳам қизиқиб, кўришга киришиб кетишди. Улар бизни ўша жойга бошлаб кетишди. Бориб кўргач, шунчалик кулишдикки… Чунки у нарсалар илоннинг тухуми эмас, илон пўст ташлаб кетган жойда сочилиб ётган қўйнинг қумалоғи эди.

Шундан кейин мени бир нарсалар муаммо бўлиб безовта қила бошлади: “Биз болаларимизнинг миясини дунёнинг “ўргимчак тўри” билан қамратиб қўйибмизу, ҳатто табиатнинг оддий кўринишларидан бебаҳра ўстираяпмиз”, деган ўй…

**Садоқат КАРИМОВА,**
*Урганч шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси.*

## БЕПАРВОЛИК КЎНГИЛСИЗЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ

**Ёнғин ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Сергели тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда туманда фаолият юритаётган маҳалла, ўқув ва даволаш муассасалари, лицей, коллеж, олийгоҳ ётоқхоналари ҳамда саноат корхоналарида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.**

Афсуски, олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, айрим хонадон эгаларининг бепарволиги оқибатида ис газидан заҳарланиш, тан жароҳати олиш ва ҳатто ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шу ўринда юртдошларимизга бепарволик, эҳтиётсизлик, масъулиятсизлик ёнғинларнинг асосий сабабчиси эканлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

**Ибодулла ЖУМАЕВ,**
*Сергели тумани ФВБ Профилактика ва назорат бўлинмаси инспектори, катта лейтенант*

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

*Мутахассис маслаҳати*




*Бу йилги куз-қиш фаслларининг илиқ келиши барча турдаги мавжуд зарарли организмларнинг қишлаб, яшаб қолишига қулай шароит яратди.*

Февралъ ойи охирининг бир мунча серёғин бўлиши, ҳароратнинг кескин пасайиши эса мевали ва манзарали дарахтлар уйғонишини бироз кечиктирди. Аммо зарарли касалликларнинг споралари, зараркунанда ҳашаротларнинг тухумлари, личинкалари ҳамда баъзиларининг ўзлари тирик ҳолда, тупроқ тагида, дала четлари, уватлардаги экин қолдиқлари пояларида қулай шароитда қишлаб, яшаб қолдилар. Бундай зарарли организмлар баҳорнинг қулай шароити, ҳарорати келиши билан барча турдаги қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказиши муқаррар. Айниқса, мевали дарахтлар, токзорларнинг ашаддий кушандаси бўлган, ҳосилдорликка жиддий зарар етказиши билан биргаликда ҳатто дарахтларнинг бутунлай қуришига олиб келадиган “Калмараз”, “Антракноз”, “Клястероспориоз” ва бошқа бир неча турдаги зарарли касалликларга ҳозирданоқ, дарахтлар куртак чиқармасдан, токлар питмак отмасдан энг қулай, фойдали қарши кураш воситаси бўлган “Бордо суюқлиги”ни тайёрлаб, қўллаш айни муддаодир.

Бордо суюқлигини тайёрлаш: 3 фоизли 100 литр эритма тайёрлаш учун 3 кг.дан мис купароси оҳак керак бўлади. Бунда каучук-пластмасса ёки сирли идишлардан фойдаланилади. Ўн литр сувда 3 кг. оҳак тиндирилади ва эритилган оҳак устига 15-20 литр сув қуйилади. Ушбу эритма сув билан ивитилиб, тўлиқ эриб бўлгач, юз литрлик каучук-пластмасса идишга солинади. Худди шундай сувга ивитилган мис купароси ҳам оҳак ивитилиб, солинган юз литрлик каучук-пластмасса идишга тўлгунича секинлик билан қуйилади. Идиш тўлгач, аралаштириб турилади. Идиш тўлиб, аралаштириб бўлингач, тайёрлигига ишонч ҳосил қилиш учун михни ипга боғлаб, эритмага ботириб кўрилади. Агар мих занг бўлиб чиқса, яна бироз сув қуйилади, шундан сўнг 3 фоизли Бордо суюқлиги тайёр бўлади. Бордо суюқлигини дарахтларга сепишдан аввал хавфсизлик қоидаларига амал қилиниб, махсус кийимлар кийилади ҳамда сепиш апаратига филтрлаб солиниб, сўнгра ишлов берилади. Суюқлик дарахтнинг барча қисмига сепилади. Ана шунда бободеҳқонларимиз сифатли, халқаро стандартлар талабларига жавоб бердиган экологик тоза ва ширин-шакар меваю-узумларини мўл-кўл етиштиришга пухта замин яратган бўлади.

Азиз боғбонлар! Ўсимлик зараркунандалариги қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисида маслаҳатлар зарур бўлса, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг “Агрокўмакчи” мобил иловасидан мутахассисларнинг муфассал маслаҳатлари ва зарур маълумотларини олишингиз мумкин.

**Олимжон БЕГМАТОВ,**
*Янгиобод тумани Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими бошлиғи,*
**Жамшидбек ШАРИФБОЕВ,**
*Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Янгиобод тумани фитосанитар назорати давлат инспектори.*

## ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИДА ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ТЕЗПИШАРЛИГИ 25-30 КУНГА ҚИСҚАРДИ

*Олимларимизнинг изланишлари натижасида мамлакатимизда етиштириладиган ғўза навларининг тезпишарлиги 25-30 кунга қисқарди. Авваллари экилган ғўза навлари 150-160 кунда пишиб етилган бўлса, ҳозирги кунда 120-130 кунда пишиб етилмоқда.*

Англиянинг “Cotton outlook” журналида эътироф этилганидек, Ўзбекистон пахта етиштириш технологиясининг икки йўналишида, яъни, кўсак куртини кенг қамровли биологик назорат қилиш ва эртапишар навлар селекцияси дастури бўйича дунёда пешқадам.



Пахта майдонларининг оптималлаштирилиши, рағбатлантиришнинг кучайтирилиши, ҳар бир ҳududнинг иқлими, шароити, тупроғига мос навларнинг экилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатига қаратилган эътибор ва бошқа омиллар муваффақиятларга асос бўлмоқда. Булар билан бир қаторда, озуқа бериш, суғориш, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, чилпиш каби тадбирларга ҳам жиддий эътибор берилиб, юқори ҳосилдорликка эришишга замин яратилди. Мамлакатимиз ғўза майдонларининг асосий қисмига толаси юқори сифатга эга бўлган “Султон”, “Бухоро-102”, “С-8290”, “Андижон-35”, “Бухоро-6”, “Бухоро-10”, “Наманган-77” тезпишар навлари жойлаштирилди. Шунингдек, юқори сифатли “Хоразм-150”, “Хоразм-127”, “Андижон-36”, “Андижон-37”, “Наманган-34”, “С-4727”, “С-6524”, “Порлоқ-4”, “Равнақ-2” каби навларни экқан фермерлар юқори ҳосилдорликка эришдилар. Ҳар бир нав бўйича етиштирилаётган минтақа тупроқ иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларига агротехник тадбирларни ўтказишга доир тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга етказиб турилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Глобал иссиқлик ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатишига қарамай, пахтакорларимиз 80 фоиз пахта майдонларга тезпишар навларни экиб, эртаки, мўл ва сифатли ҳосил етиштирдилар. Ўтган йилда 2022 йилга нисбатан 300 минг тоннадан кўп пахта етиштирилди. Кўплаб илғор фермер хўжаликларида нафақат терим борасида, балки, ҳосилдорликда ҳам юқори натижаларга эришилди.

Ҳа, бугун фермерларимиз барча жабҳада илғор. Пахтачиликда ҳам улар илғор тажрибаларни қўллаб, илм-фанни амалиётга пайваста этишмоқда.

Шуни алоҳида таъкилаш жоизки, ғўзадан мунтазам юқори ҳосил олиш, навнинг потенциал имкониятига ва нав-муҳит ўзаро таъсири натижасида бўлган ташқи омилларга чидамлилигига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, селекционерларимиздан ҳар хил экологик муҳитга мослаша оладиган пластик навлар яратиш ва амалиётга тадбиқ этишни талаб қилади. Илм-фан ютуқлари ва тажрибадан ўтган тавсияларнинг қўлланилиши, пахтакорларга пировард натижада салмоқли кўрсаткичларга эришиш имконини беради.

**Ренат НАЗАРОВ,**
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.*
**Жўрахон АБДУЛЛАЕВ**
*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош мутахассиси.*

## СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

*Кейинги йилларда сувдан унумли ва самарали фойдаланиш, бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича жуда кўп ишлар қилинмоқда. Чунки унинг ҳаётимиз ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўрнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.*

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори тасдиқланиб, унга кўра “Сувхўжаликназорат” инспекциясининг асосий вазифа ва функциялари белгиланган. Белгиланган вазифа ва функциялар доирасида инспекциянинг Наманган вилояти бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2021 йил 3 апрелдаги “Сувдан фойдаланиш ва сув истеьмоли ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа тегишли қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчилари бўлган фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари орасида сувдан оқилона фойдаланиш ва сувдан фойдаланиш ва истеъмоли қоидаларига риоя этиш тарғиб қилиниб, амалий семинарлар мунтазам ўтказилмоқда.

Шунингдек, сув истеъмолчиларига туманлардаги Сув етказиб бериш хизмати давлат муассасаси ташкилоти билан шартнома асосида сув олиш, олинаётган сувнинг ҳисобини юритиш, сув олиш жойларига сувни бошқариш ва ўлчаш воситалари қуриш, сувнинг фақат сув берувчи ташкилотда рўйхатдан ўтиш ва буюртманомалар асосида олиниши, сув тежовчи технологиялар ўрнатилган майдонларда сувдан фойдаланиш тартибларига амал қилиниши бўйича тавсиялар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги” Низомининг 59-бандида Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Шунингдек, қарорда, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун сув олиш тартиби бузилган тақдирда тегишли чоралар қўлланилади. Жумладан, сув истеъмолчилари томонидан лимитдан ортиқча сув олинса, лимитдан ортиқча олинган ҳар минг куб метр сув учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида жарима санкциялари қўлланилади. Сув олиш жойлари сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган ҳамда рухсат этилмаган жойлардан сув олинса, шартнома тузмасдан сув олинса, олинган ҳар минг куб метр сув учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида жарима солиниши кўзда тутилган. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасисиз сув олганлик ёки сувдан фойдаланганлик учун олинган ҳар минг куб метр сув учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи миқдорида, сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун олинган ҳар минг куб метр сув учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида жарима санкциялари қўлланилади, дея келтирилган. Бир йил мобайнида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби такроран бузилган тақдирда, ушбу бандда кўрсатилган жарима санкциялари ўн баравар миқдорида қўлланилади.

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси Наманган вилояти бошқармаси, фермер, деҳқон хўжаликлари, кластер корхоналари, балиқчилик хўжаликлари ва бошқа сув истеъмочиларидан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига риоя этган ҳолда обиҳаётдан оқилона фойдаланишларини сўрайди.

**Қаямхон ҚИРҒИЗОВ,**
*“Сувхўжаликназорат” инспекцияси Наманган вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи.*

*Эълон*

"GREEN TV" МЧЖ (СТИР 302 996 279) устав жамғармаси 4 250 473 894 сўм 42 тийиндан 3 250 473 894 сўм 42 тийинга камайтирилаётганлигини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани Жарқўрғон кўчаси 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Сорокина Людмила Ивановна номига 1993 йил 29 январда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 06-01/6179 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

*Эълон*

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси бош пудратчилигидаги қуйидаги объект**ларга ёрдамчи пудратчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган тендер ва танловларга иштирокчиларни таклиф этади.**

**1.**Объект номи:**“**Хоразм вилояти Хива шаҳрида жойлашган “Дишан қалъа” деворларида таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш**”.**

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **9 017 476770** сўм *(*шундан, 2024 йилда 2 200 000 000 сўм ҚҚС билан ва қолган 6 817 476 770 сўм манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан ҳамда буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг молиялаштирилади*).*

Ишларни туғаллаш муддати – **365** кун.

**Харид тури:** очиқ тендер.

**2.Объект номи:“**Тошкент шаҳрида жойлашган “Соғлиқни сақлаш музейи”да мукаммал таъмирлаш-тиклаш ишлари**”.**

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **2 099 970640** сўм *(шундан, 2024* йилда 1 957 795 030 сўм ҚҚС билан ва қолган ҚҚС билан 142 175 610 сўм манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан ҳамда буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг молиялаштирилади*).*

Ишларни туғаллаш муддати – **180** кун.

**Харид тури:** очиқ тендер.

**3.**Объект номи: **“**Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Ҳақиқат кўчасида жойлашган “Бозори гул” масжидида таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш**”.**

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **1 285 126078** сўм **(**шундан, *2024* йилда 1 285 000 000 сўм ҚҚС билан ва қолган 126 078 сўм манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан ҳамда буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг молиялаштирилади***).***

Ишларни туғаллаш муддати – **180** кун.

**Харид тури:** очиқ танлаш.

Объектларни молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан*.*

**Бош пудратчи:** “Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси.

**Манзил:** Тошкент шаҳри Миробод тумани Т.Шевченко кўчаси 1-уй.

**Тендер ва танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:**

✓ доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

✓ ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

✓ ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

✓ ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

✓ бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.

Тендер ва танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

**Қуйидаги иштирокчиларга тендер ва танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:**

✓ қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

✓ мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Иштирокчилар танишиб чиқиш ва таклифини тузиш мақсадида, лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Бош пудратчи ёки ташкилотчи объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек, унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

**Иштирокчилар таклифлари ташкилотчи томонидан қуйидаги манзилда**, **иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.**

**Ташкилотчи “STROY KONSALTING SERVIS”** МЧЖ**га оферталарни тақдим этишнинг охирги муддати – оферталарни очиш куни ва вақтигача қуйидаги манзилда:** Тошкент шаҳри Миробод тумани Шаҳрисабз кўчаси 16“а”-уй манзилдаги офиси (мўлжал: “Агросаноатлойиҳа” МЧЖ маъмурий биносининг 50**4-хонаси).** тел**:+99891 018-75-57.**

Талабгор томонидан белгиланган тартибда тендер ва танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманома ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

***Тендер ҳужжатининг битта тўпламининг нархи – 2 500 000 сўм***

**Танлов бўйича харид қилиш ҳужжатлари битта тўпламининг нархи – 1 500 000 сўм**

Таклифларни топшириш иштирокчининг тендер ва танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўрганганини ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш эълон газетада чоп этилганидан бошлаб, камида тендерларда ўн икки иш кунидан ҳамда танловларда беш иш кунидан сўнг ўтказилади.

*Туркман ота кундуз кунлари чорвасига қарар, деҳқончилик қилар, кечқурун эса ижод билан машғул бўларди*

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# ТУРКМАН ШОИРНИНГ ТЎҚАЙИ

***Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманидаги Ўртаёп қишлоғининг Уйғур маҳалласида Туркман Бобожонов деган хокисор ёзувчи, шоир инсон яшаб ўтди.***



У киши том маънода табиат шайдоси эди. Ёшлигида жуда қаттиқ қийинчиликларни бошидан ўтказган. Катта қийинчиликлар билан ўқиб, олий маълумот олган, узоқ йиллар умумтаълим мактабида ўқувчиларга рус тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келган эди. Ўзи билимдон, зукко, рус ва ўзбек адабиётини жуда яхши билувчи мураббий эди. У 1985 йилда Уйғур маҳалласининг энг чекка қисмида Озерний коллекторининг қирғоқларида тўқай ташкил этишга киришди. Майдон ҳам оз эмас 15 гектарга яқин. Коллектор бўйларига жийда кўчатларини ўтқазди. Қарабсизки, 5-10 йилларда кўчатлар ривож олиб, қойилмақом тўқай бўлди, қўйди ва бу жой “Туркман эшон тўқайи” деб ном олди.

Туркман эшон Бобожонов бадиий ижодга қизиққани боис, дастлаб шеърлар ёза бошлади. Кейинчалик ҳикоя, қисса жанрларида ижод қилди. Кейин катта романда ўзини синаб кўрди. Шу билан унинг қатор китоблари нашрдан чиқди.

Туркман Бобожонов 1942 йилда Хоразм вилоятиининг Қўшкўпир туманидаги Ўртаёп қишлоғининг Уйғур маҳалласида туғилган. 1963-1967 йилларда Узоқ Шарқда ҳарбий денгиз флотида хизмат қилган. 1975 йилда Таганрог давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёт факултетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Рус тилини яхши биларди. Рус адабиёти намояндаларининг асарларидан тўлиқ хабардор инсон эди.

Туркман эшоннинг бадиий ижодга қизиқиши ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланди. Унинг қатор шеър ва ҳикоялари ўша давр газета ва журналларида эълон қилинган. “Ёзғит”, “Бахт калити”, “Армон” қиссаси, “Инсон қадри” ҳикоялар тўплами, “Орзуларим”, “Кўнгил дафтари”, “Қалбим садоси” шеърий тўпламлари, “Муҳаббат мўъжизаси” ва “Гўдакнинг кўз ёшлари” романлари нашр қилинган.

Туркман оға қизиқ характерли одам эди. Ноҳақлик, адолатсизликка сира тоқат қила олмсди, дарров “портлаб” кетарди. Қайси соҳадан гапирманг, биларди.

У аёли Санамжон опа билан тўқайда яшарди. Тўқай ҳам посёлкага уч километрлар чиқарди. Қишнинг қаҳратон совуғида ҳам, ёзнинг жазирамасида ҳам шу тўқай уларнинг макони эди. Фарзандлари, невара-чеваралари посёлкада яшашарди. Улар ҳам ишдан ортиб ҳафтада икки-уч маротаба тўқайга келиб туришарди. Туркман ота кундуз кунлари чорвасига қарар, деҳқончилик қилар, кечқурун эса ижод билан машғул бўларди. Уй дегани ҳам пастаккина икки хонадан иборат капа эди. Аммо шу торгина хонада ҳамма нарса бор эди. Қишда печкага ёқиш учун ўтин ҳам тўқайда бисёр. Ёзда эса бу жойлар жаннатнинг ўзгинаси эди. Тўқайнинг ёнгинасидан катта коллектор ўтган, балиқ сероб. Хуллас, Туркман ота кампири билан шу ерда 37 йил умргузаронлик қилди. Туркман Бобожонов ёзувчи, шоирларни кўп марталаб тўқайига таклиф қилган. У ерда унинг 70, 75, 80 йиллик юбилейлари ўтказилганди.

Туркман Бобожонов ўтган йилнинг айни февралида 81 ёшида вафот этди. Ундан кўплаб китоблар, эколгиямиз учун хизмат қилиб турган 15 гектарлик тўқай, дарахтлар қолди, фарзандлари, невара-чеваралари қолди.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

*Туманимизда айни кунларда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни “Ёнғин профилактика куни” ўтказилиб, Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан қурилишларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.*

# ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Ҳар бир қурилиш ҳудудида ёнғин профилактика кўриклари ўтказилиб, қурувчилар, газ-электр пайвандчилар билан суҳбатлар қилинаяпти, уларга тегишли йўриқномалар берилаяпти. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги мавзусида турли плакат ва эслатмалар тарқатилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмо қда.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими жамоаси юртдошларимизни ушбу тадбирда фаол иштирок этишга ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишга чақиради. Бунда, қурилиш майдонларида электр иситиш анжомларидан тўғри фойдаланиш, газ баллонлари ва енгил ёнувчи моддаларни сақламаслик, қурилиш уйчалари жойлашган ҳудуд бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланиши керак. Ёнғин чиққанда дарҳол “101” ва “1050” рақамли телефон орқали ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар бериб, ёнғинни мавжуд воситалар билан ўчириш керак.

Ҳурматли юртдошлар. Аввало биз, катталар хонадон ва ишхонамизда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, ўзимиз ва фарзандларимизни, уй-рўзғор анжомларини, давлат мол-мулкини ўт балосидан сақлаб қолган бўламиз.

**Сирожиддин ТУРДИЕВ,**
*Яккасарой тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта лейтенант.*




Реклама




# DUNYO MAMLAKATLARIDA AHOLINI RO‘YXATGA OLISH QANDAY O‘TKAZILGAN?



*BMT Statistika komissiyasi Aholi masalalari bo'yicha komissiya bilan birgalikda mintaqaviy statistik konferensiyalarning ishtirokida 1950 va 1960 yillardagi birinchi Jahon aholi ro'yxatini o'tkazish dasturlarini ishlab chiqdi. Taxminan bir vaqtning o'zida va yagona tamoyil bo'yicha o'tkaziladigan dunyoning alohida shtatlari va hududlari aholisini ro'yxatga olish to'plami bo'lgan Butunjahon aholi ro'yxatini o'tkazish taklifi shunday amalga oshirildi.*

Taklifning o'zi 1897 yilda Xalqaro statistika institutining Sankt-Peterburg sessiyasida ilgari surilgan. Afsuski, Jahon aholisini ro'yxatga olish 1900 yoki 1940 yillarda bo'lmagan. Keyinchalik, har o'n yillikning boshida BMT aholi va uy-joylarni ro'yxatga olish bo'yicha tamoyillar va tavsiyalarni, shuningdek, ro'yxatga olish materiallarini ishlab chiqish uchun sxema jadvallarini o'z ichiga olgan maxsus hujjat chiqaradi. Bugungi kunda ko'p mamlakatlar ushbu tavsiyalarga amal qilmoqda. Ularning aksariyati har 10 yilda bir marta aholini ro'yxatga oladi .

So‘nggi aholini ro‘yxatga olish Buyuk Britaniyada 2001-yil 29-aprelda bo‘lib o‘tdi. Bu 20-chi aholini ro'yxatga olish bo'lib, u "Meni sanang!" shiori ostida o'tkazildi. Birinchi marta o'z-o'zini hisoblash usuli qo'llanildi, 1991-yilda to'ldirilgan so'rovnomalar aholini ro'yxatga oluvchilar tomonidan tarqatilgan va to'plangan bo'lsa, 2001-yilda aholini ro'yxatga oluvchilar faqat to'ldirilgan anketalarni fuqarolarning uylariga yetkazib berishgan. Fuqarolarning o‘zlari to‘ldirilgan anketalarni qaytarib yuborish manzili ko‘rsatilgan konvertda pochta orqali bepul yubordilar. Britaniya hukumati 2001-yilgi so'rovnomadan daromadlar haqidagi savolni chiqarib tashlashga qaror qildi, bu amaliyot ko'rsatganidek, ko'plab fuqarolarning aholini ro'yxatga olishda qatnashishdan bosh tortishining asosiy sababidir. Belgiyadagi kampaniya bizning tushunchamizdagi an'anaviy aholini ro'yxatga olishdan ham farqliroq edi. U yerda so'nggi klassik aholi ro'yxati 1991-yil 1-martda va hatto o'sha paytda ham Milliy reestr asosida o'tkazildi. Milliy reestrdan olingan asosiy identifikatsiya ma'lumotlari (ismi, familiyasi, manzili) ko'rsatilgan oldindan bosilgan so'rovnomalar pochta orqali aholi reestrida, shuningdek reestrlarda ro'yxatga olingan barcha shaxslarga yuborildi. Har bir munitsipal tuman ma'lum miqdordagi aholini ro'yxatga oluvchilarni jalb qildi, ularning vazifalariga fuqarolarning uylaridan ro'yxatga olish blankalarini yig'ish kirdi. 1991-yilgi aholini ro'yxatga olish natijalari Belgiya Bosh vaziri huzuridagi ilmiy-texnik tadqiqotlar va madaniy faoliyat departamenti tomonidan ishlab chiqilgan ijtimoiy-iqtisodiy ko'rsatkichlar bankini tuzatish va markazlashtirish dasturi uchun asos bo'ldi. Boshqacha qilib aytganda, 1991-yildayoq aholini Milliy reestrdan osongina aniqlash mumkin bo'lganligi sababli, aholini ro'yxatga olish tadbirining ushbu vazifasi o'zining asosiy ahamiyatini yo'qotdi va bunda birinchi o'rinda mamlakat aholisini ijtimoiy-iqtisodiy kontekstda tavsiflovchi parametrlarni o'rganish turdi. Shunga qaramay, ko'pgina Evropa mamlakatlarida, Germaniya va Shvetsiyadan tashqari, 2000-2002 yillardagi aholini ro'yxatga olish eski qonunlar bo'yicha o'tkazildi. Yevropa Kengashi davlatlarining umumiy aholisi 2001-yil boshida 785 million kishini tashkil etdi, bu o ʻtgan yilga nisbatan 2 million kishiga kam. BMT raundining voqeasi 2000-yil 1-noyabrdan 15-noyabrgacha Xitoy Xalq Respublikasida bo'lib o'tgan aholini ro'yxatga olish deb hisoblanishi kerak.

Dastlab, Xitoy Xalq Respublikasi Davlat statistika boshqarmasi aholini qayta sanashni 10 kun ichida o‘tkazishni rejalashtirgan edi, biroq katta hajmdagi ishlar belgilangan muddatni bajarishga imkon bermadi va aholini ro‘yxatga olish yana besh kunga uzaytirildi. 2001-yilning mart oyida dastlabki natijalar e'lon qilindi. AQShda esa aholini ro'yxatga olish oxirgi marta 2000-yilda o'tkazilgan. Shtatlarda aholini ro'yxatga olish kampaniyalarining asosiy muammosi aholining past faolligi edi.

Aholini ro’yxatga olishdan bo’yin tovlaganlik uchun jarimalar tizimi samarasiz ekanligiga ishonch hosil qilgan AQSh rasmiylari boshqa yo’lni tanladilar. Aholini ro’yxatga olish byudjetini 6 barobarga oshirdilar va bu pullar asosan reklama kampaniyasiga yo’naltirildi. Aholini ro’yxatga olish byurosi ushbu kampaniya uchun maxsus jamoatchilik bilan aloqalar agentligini tuzdi. Aholini ro’yxatga olish anketalari mamlakatning barcha aholisiga yuborildi, ular to’ldirilgandan so’ng Byuroga qaytarildi. Yakuniy bosqichda ro’yxatga olish blankalari olinmagan aholining uylariga maxsus ro’yxatga oluvchilar keldi. Natijalar reklama Internet, televidenie, radio va bosma ommaviy axborot vositalarida joylashtirildi va bu oxir-oqibat amerikaliklarning ko’pchiligiga javob berishga imkon berdi. Mutaxassislar ushbu aholini ro’yxatga olishni Ikkinchi Jahon urushidan keyin o’tkazilgan barcha tadqiqotlarning eng muvaffaqiyatlisi deb hisoblashadi.

**Bobur MEYLIYEV,**
*Yakkasaroy tumani statistika bo‘limi boshlig‘i.*

Qishloq hayoti
МУАССИСЛАР:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.**

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**
**Таҳрир ҳайъати:**
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари),*
Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари).*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-317. 1840 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**Таҳририят манзили:** Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
**Реклама ва эълонлар –** (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00